

5 office Yangiobod street, Fergana, Uzbekistan, 150100.
Tel. (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (99) 851-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz E.mail: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2019.04.05.

04 апрел 2025 й

Фаргона ш

ХУЛОСА

“Sharg'unko'mir” АЖнинг 2024 йил 31 декабр ҳолатига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашниўтказиш тўғрисида

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ

Аудиторлик ташкилот номи ва юридик манзили	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» (JPAInternational) аудиторлик ташкилоти. Фаргона ш., Янгиобод кўчаси 5-уй офис. Тел: +95 400 80 13Интернет: tttaudit@mail.ru
Давлат рўйхатидан ўтказилган Гувоҳнома рақами ва санаси	Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 12.03.1997 йил, гувоҳнома реестри №335
Лицензия тартиб рақами ва берилган санаси	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган, Лицензия АФ №00773 05.04.2019 йилда берилган.
Суғурта полиси рақами ва берилган санаси	«Trust Insurance» Суғурта компанияси № 121 -001/13/2500089 сон 09.11.2024 й.
Аудиторлик текширув учун тузилган шартнома рақами ва тузилган санаси	2025 йилнинг 13 мартдаги 1126-сон шартнома
Аудит текширувини бошланиши ва тугалланиши	Бошланиши - 17.03.2025 йил Тугалланиши – 04.04.2025 йил
Аудиторлик ташкилоти раҳбари фамилияси, исми ва малака сертификати рақами ва санаси	Ботиров Махаммад Хошимович, Аудитор Малака сертификати № 05052, 25.08.2012 йил Молия Вазирлиги томонидан берилган

“Sharg'unko'mir” АЖ (кейинги ўринларда — **Жамият**) корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги хулоса МЧЖ «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси томонидан (31.12.2015 йилдаги 9-сон баённомага ва 30.11.2016 йилдаги 12-сон баённомагаасосан) тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ «ТТТ-AUDIT» МЧЖ акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш буйича хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотлар рўйхатига киритилган.

ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

“SHARG'UNKO'MIR” AJ

Юридик манзили: Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумнаи., А.Икромов кўчаси,

“Ўзсаноат қурилиш банк” АТБ Шарғун филиали х/р 20210000000311045001
МФО: 00354

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил ҳолисона фикрни шакллантириш баҳолашни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази томонидан 25.07.2016 йилда тасдиқланган Саволнома асосида ўтказилди.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти фақат Жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар асосида, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида шакллантирилган ўз нуқтаи назарини ифодалаганлик учун жавобгар ҳисобланади.

Жамият тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўлиқлиги, мазмуни ва ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади. Олинган ҳужжатларнинг, маълумотларнинг ва бошқа материалларнинг асл нусхалиги ва ишончлилиги текширилмади ва баҳслашилмади.

Баҳолаш амалга оширилгандан кейин МЧЖ «ТТТ-AUDIT» га келиб тушган, ёки қандайдир сабабларга кўра тақдим этилмаган ёхуд яширилган ҳужжатлар аниқланган тақдирда, «ТТТ-AUDIT» МЧЖ нинг назорат ва масъулият доирасига киритилмайди.

МЧЖ «ТТТ-AUDIT» АТ жамият томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ҳисоботлар, маълумотлар ва бошқа материаллар жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими ҳолати тўғрисида мустақил фикр ифодалаш учун етарли деб ҳисоблайди.

Жамиятнинг 2024 йил молиявий фаолияти учун Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолашнинг якуний натижаси **686 баллни** ташкил этди ва МЧЖ «ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг якуний хулосасига мавофик “Sharg'unko'mir” АЖда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизими даражасини баҳолаш натижаларига кўра **ЮҚОРИ** деб эътироф этилади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги

“ТТТ-AUDIT” аудиторлик ташкилоти

Бош директори, Бош аудитор САР:

Ботиров М.Х.

Мутахасис:

Дадабоев С

